

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ТЎЛҚИН ХОЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ  
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ СОҲАЛАРДА ҲАМКОРЛИКНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract  
of philosophy (PhD) on political sciences**

**Жумаев Тўлқин Холмуродович**

Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий  
соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари..... 3

**Жумаев Тўлқин Холмуродович**

Тенденции развития сотрудничества в социально-культурной сфере между  
Узбекистаном и Южной Кореей..... 25

**Jumaev Tulkin Holmurodovich**

Tendency of the development of cooperation in the socio-cultural sphere between  
Uzbekistan and South Korea ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВ ТЎЛҚИН ХОЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ  
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ СОҲАЛАРДА ҲАМКОРЛИКНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ss130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-сайти ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Мусаев Одил Раҳматович**  
фалсафа фанлари доктори, проф. в.б.

Расмий оппонентлар:

**Кўчқоров Ваҳоб Хошимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Равшанов Фазлиддин Равшанович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08. рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71; факс: (99871) 246-02-24)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашчиси, с.ф.д., профессор.

**А.Х.Холмахматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.д.(PhD).

**Б.Т.Тўйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашчиси, ф.ф.д., профессор.

2020/9/9 22:23

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида давлатлараро икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири эканлиги барчага аён бўлиб бормоқда. Шу асосда ривожланган хорижий давлатлар билан дипломатик, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳаларда ҳамкорлик ришталари таборо кенгайиб бормоқда. Ана шундай сермаҳсул халқаро ҳамкорлик натижаларини кўпгина давлатлар ўртасидаги алоқаларда намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон ҳам истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, давлатлараро ҳамкорликларни ривожлантириш борасида кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, дунёнинг ривожланган етакчи давлатларидан бири ҳамда урф-одат ва анъаналари бизга яқин бўлган Жанубий Корея давлати билан амалга оширилиб келинаётган кенг кўламдаги ҳамкорлик ўзаро икки томонлама манфаатлар уйғунлигига асосланганлигини намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги белгилаб берилган устувор йўналишлар бўйича давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва уни янада юксалтириш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг фан-таълим, маданият соҳаси ривожидида Жанубий Корея Республикаси билан икки томонлама ҳамкорлик алоқалари муайян даражада мамлакатимизнинг ижтимоий-маданий ривожланишида амалий аҳамият касб этади. Бу эса амалга оширилаётган ҳар иккала давлатнинг ижтимоий ва маданий соҳалардаги муносабатлар тизимини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳар томонлама янги босқичга чиқди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари айниқса, юртбошимизнинг 2017 йилнинг 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига қилган давлат ташрифи икки давлат ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, маданий йўналишларда, фан ва таълим соҳасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва чуқурлашишига мустаҳкам замин яратди. Ўзбекистонда узоқ йиллардан бери корейс миллати вакиллари ўзбек халқи билан ўзаро ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. “Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун

тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади.<sup>1</sup> Бу икки дўст мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ўзаро ишончнинг янги, узоқ муддатли истиқболлари белгиланди ҳамда маданият, фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари очилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5052–сонли фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Корея Республикаси компаниялари билан эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3831-сонли қарори, Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларациясига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг , 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4301-сонли қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорлиги борасида ўнлаб илмий, публицистик ва илмий тадқиқот ишлари тарихчилар, иқтисодчилар, ёзувчилар ва журналистлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Тадқиқот изланишларини тизимли ташкил этиш мақсадида мавжуд тадқиқотларни туркумлаштириш учун икки гуруҳга ажратилди:

1. Корейс диаспорасининг депортацияси билан боғлиқ сиёсий-ижтимоий жараёнларни ёритишга қаратилган хорижий тадқиқотчи олимларнинг илмий изланишлари.

2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларидаги ички ва ташқи сиёсатда эришилган ижтимоий-маданий ютуқлар билан боғлиқ воқеликларнинг олимлар томонидан тадқиқ этилиши. Хусусан, хорижий тадқиқотчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар В. Ким Ли, М.Н.Пак, Сун Дон Ги, В.В.Тян, Б.Д. Пак, Г.В.Кан, К.С.Алдажуманов, Е.К.Алдажуманов, Н.Ф.Бугай, М.Н.Пак, Г.В.Кан, Ж.Б.Абьшгожин, М.К.Козмбаев, Б.Б.Татимов, П.Н.Ким, Г.Д.Кан, В.Мен,

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Тошкент: “Credo Print”, 2017 й. 1том, –Б. 138

В.С.Тен, Ж.У.Ковжасаровалар<sup>2</sup> асосан собиқ совет даврида корейс халқининг депортация сиёсати билан боғлиқ ижтимоий тарихига эътибор қаратишади. Шулардан собиқ Иттифоқда халқларнинг депортация борасида илмий изланишлар олиб борган Н.Ф.Бугай ўзининг «К вопросу о положении корейцев в СССР в 30 гг. - Актуальные проблемы российского востоковедения» асарида халқларнинг Узоқ Шарқдан кўчирилишида ташқи сиёсатдаги вазият катта роль ўйнаганлигини, бунда Сталин ва давлат раҳбарияти жаҳон урушининг яқинлашишини сезиб ғарбда гитлер Германияси ва Шарқда император Японияси билан яқинлашиш йўлини излаш натижасида кўрилган чоралар сифатида қарайди.

Яна бир муҳим манбалар қаторида М.Н.Пакнинг «О причинах насильственной депортации советских корейцев Дальнего Востока в Центральную Азию...»асаридаги фикрига кўра, совет давлати Япония учун яқинлашиш мақсадида японларга қарши бўлган корейсларни ҳайдашни лозим топади. Корейс халқини Узоқ Шарқдан тўлиқ кўчириш японлар билан тузилган шартноманинг талабларидан бири бўлган, деган қарашни илгари суради. Мазкур муаммолар таҳлилига бағишланган тадқиқотлардан бири - Г.В.Каннинг «История корейцев Казахстана» асари. Унинг тадқиқотида совет корейслари СССРнинг Узоқ Шарқдаги сиёсатининг асири бўлганлиги шунингдек, унинг асарида Хитойдаги икки асосий сиёсий куч: компартия ва гоминданнинг Совет Иттифоқи билан яқинлашиши ва 1937 йил 31 августдаги хужум қилмаслик ҳақидаги шартномага эътибор қаратилади.

Ж.Б. Абышгожин, М.К. Козмбаев, Б.Б. Татимовларнинг “Казахстанская трагедия” мақоласида Қозоғистон чўлларида меҳнат ресурсларининг танқислиги юзага келганлиги муносабати билан корейслар махсус кўчирилганлиги, шу жумладан, улар корейслар ҳисобига тўлдирилган, дейди. Махсус кўчирилганларнинг Қозоғистон жанубий вилоятлари ва Ўрта Осиё республикаларида жойлаштирилишига сабаб уларнинг қишлоқ хўжалиги: шоли ва сабзавотчилик билан шуғулланишлари кўзланган эди.

Маълумки, депортация жараёни билан совет корейсларининг ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беради, шунинг учун корейслар тарихидаги ҳар қандай масала депортация билан боғланади. Ана шундай масалалар ёритиб берилган илк ишлардан бири П.Н.Кимнинг «Деятельность Коммунистической партии Узбекистана по организационно хозяйственному

---

<sup>2</sup> В. Ким Ли, «Судьба человека, покинувшего Чхунчхондо», «Самая длинная ночь». М.Н.Пак, В.В.Тян «Дорогой горьких испытаний», ([www.ziyouz.com kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)). Б.Д.Пак «Корейцы в Российской империи: Дальневосточный период», «Корейцы в Советской России (1917 конец 1930 гг.)» М.; 1993  
Г.В.Кан «История корейцев Казахстана». 1995. К.С.Алдажуманов, Е.К.Алдажуманов «Депортация народов - преступление тоталитарного режима», Н.Ф.Бугай ўзининг «К вопросу о положении корейцев в СССР в 30 гг. - Актуальные проблемы российского востоковедения». М., 1994. М.Н.Пак «О причинах насильственной депортации советских корейцев Дальнего Востока в Центральную Азию...», Г.В.Кан «История корейцев Казахстана» Алмата, 1995, Абышгожин Ж.Б., Козмбаев М.К., Б.Б. Татимов “Казахстанская трагедия”. (Вопросы истории. 1989. №7. С.53-71), Ким П.Н. Деятельность Коммунистической партии Узбекистана по организационно- хозяйственному укреплению корейских колхозов (1937-1941гг.) 1993, Кан Г. «Корейцы Казахстана. Исторический очерк» 1994, «История корейцев Казахстана» 1995., Г.В.Кан, В.С.Ан, Г.Н.Ким, Д.В.Мен. «Корейцы Казахстана: иллюстрированная история» 1997, В.С.Тен «Начальные страницы истории Кустанайских корейцев» 1997, Ж.У.Ковжасарова «Корейцы Прикаспии» 1997.,

укреплению корейских колхозов (1937-1941гг.)» (1993) номли тадқиқотидир. Шундай тадқиқотчилардан яна бири Г.В.Кан. Ушбу мавзуга бағишланган «Корейцы Казахстана. Исторический очерк» (1994) «История корейцев Казахстана» деб номланган иккинчи китоби 1995 йил нашр этилади. Ушбу монография архив хужжатлари асосида Қозоғистон корейслари тарихини очиб беради. Мазкур тадқиқотда XIX аср охири XX аср бошларида корейсларнинг дастлабки кўчиб келиши, шунингдек, 1908 йилда шонкор корейсларнинг ўз хоҳишига кўра Қозоғистонга кўчиб келишлари ҳақида маълумот берилади. Муаллифнинг фикрига кўра, корейслар кўчирилишнинг икки даврини бошдан кечирганлар. Биринчиси 1937 йил кузидан 1938 йил баҳоригача давом этган. 1938 йил баҳоридан иккинчи давр бошланиб, у Қозоғистон ичидаги кўчирилишдир. Шунингдек, муаллиф ушбу китобда Қозоғистондаги корейсларнинг жойлашуви ва уларнинг XX аср 40-50 йиллардаги ҳаётини ёритиб, корейс театр ва газеталари ҳамда корейс диаспораси ҳаёти ҳақида умумий маълумотларни беради.<sup>3</sup> Мазкур асарларда корейсларнинг депортация тарихи, ижтимоий - иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий аҳволи ёритиб берилган.

Тадқиқот мавзусига доир адабиётлар ва илмий тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистоннинг Жанубий Корея Республикаси билан ижтимоий-маданий муносабатларининг ривожланиш динамикаси сиёсий фанлар нуқтаи назаридан яхлит тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент Архитектура-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий, маданий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг давлатлараро муносабатларга таъсири” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон ва Жанубий Корея мамлакатларининг ўзаро ижтимоий-маданий, сиёсий соҳалардаги ҳамкорлиги доирасида эришилган натижалар динамикасини ишлаб чиқиш ва уни ривожлантириш борасида янги имкониятлар мавжудлигини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ва Корея халқлари ўртасидаги алоқаларнинг қадимги тарихий илдизларга эга эканлигини очиб бериш;

корейс миллатининг Ўзбекистонга кўчириб келиниши тарихи ва сиёсий моҳиятини асослаб бериш;

Ўзбекистоннинг жанубий Корея Республикаси билан кўп қиррали алоқалар ривожланишининг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатларини илмий асосда таҳлил қилиш;

---

<sup>3</sup> Г.В.Кан, В.С.Ан, Г.Н.Ким ва Д.В.Мен. «Корейцы Казахстана: Иллюстрированная история» 1997, В.С.Тен «Начальную страницу истории Кустанайских корейцев» 1997, Ж.У.Ковжасарова «Корейцы Прикаспия» 1997.



икки давлат ўртасидаги турли соҳалардаги стратегик шерикчиликнинг кўп жиҳатдан ўзаро мафаатдор эканлигини асослаш;

Ўзбекистон Республикаси билан Жанубий Корея ўртасидаги ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ривожланиш тенденциясини қиёсий таҳлиллар билан асослаш;

илмий техникавий, инновацион ва илмий-маданий ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ёритиш;

Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатларининг фан-таълим ва коммуникацион технология соҳаларининг истиқболлари борасида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ижтимоий-маданий, сиёсий соҳалардаги ҳамкорлигининг ривожланиш тенденциялари ва динамикаси ташкил этади

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси муносабатларида ижтимоий-маданий, сиёсий соҳаларнинг ривожланиш тенденциялари ҳамда ўзаро ҳамкорлик динамикасини ўрганиш асосида уни янада такомиллаштириш юзасидан хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, анализ, қиёсий-тарихий таҳлил ҳамда сиёсий етакчи фаолиятини очишда тизимли ёндашиш методларидан ҳамда контент-таҳлил, ивент-таҳлил каби амалий таҳлил услубларидан ҳам кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси ўртасида ижтимоий-маданий, сиёсий алоқалар ривожланишида икки халққа хос бўлган урф-одатлар, кадриятлар, дунёқарашлар ва ментал хусусиятлардаги умумийлик муҳим ўрин тутаётганлиги очиб берилган;

мамлакатлараро ижтимоий-маданий соҳадаги икки томонлама алоқаларни сиёсий нуқтаи назардан суверентетизм тамойиллари асосидаги ҳамкорликнинг 1992-2016 йилларни қамровчи биринчи ҳамда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича “ҳаракатлар стратегияси” доирасидаги ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни амалга ошириш жараёнларини ўз ичига олувчи иккинчи даврларга бўлиб ўрганиш лозимлиги асосланган;

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ижтимоий-маданий ҳамкорлигига оид статистик материаллар, маълумотлар динамикаси ишлаб чиқилган ва халқаро тажрибалар асосида истиқболда сиёсий алоқаларни ҳам ривожлантириш лозимлиги юзасидан хулосалар ишлаб чиқилган;

давлатлараро ҳамкорликда ижтимоий-маданий муносабатлар тизимини такомиллаштириш айниқса, Жанубий Корея давлатининг ривожланишига замин яратган фан-таълим соҳасидаги тажрибасидан Ўзбекистон таълим тизими ислохотлари жараёнида фойдаланиш лозимлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонга корейсларнинг депортация этилиши тоталитар сиёсат оқибати эканлиги кўрсатиб берилган ҳамда миллий тараққиёт ва

мамлакатимиз ривожини йўлида фидойилик намуналарини кўрсатган корейс миллати вакиллари фаолиятини оммалаштириш орқали фуқароларда миллатлараро тотувлик маданиятини юксалтиришга доир кўникмаларни шакллантириш мумкинлиги асосланган;

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларини ривожлантириш ўзаро манфаатли эканлиги кўплаб мисоллар асосида очиқ берилган;

Ўзбекистонда ижтимоий-маданий соҳаларда бугун амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ўрганилган ҳамда Жанубий Корея давлати билан ўзаро ҳамкорлигининг ижтимоий-маданий аҳамияти сиёсий парадигмаларда очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий ишнинг кўплаб назарий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда статистик маълумотлар ҳамда концептуал тарзда таҳлил этилганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги маҳаллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг вақолатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги илмий натижаларнинг ишончлилиги даражасини белгилаб беради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг аҳамияти диссертация натижаларидан ижтимоий-сиёсий институтлар, партиялар, нодавлат ношаро ташкилотлари, ОАВ, миллий-маданий марказлар, миллий тараққиёт билан боғлиқ маънавий-маърифий тадқиқотлар, сиёсатшунослик соҳасида мазкур муаммони ўрганишга қаратилган ишларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлар динамикаси назарий-методологик жиҳатдан изчил ва тизимли ўрганилгани билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илгари сурилган хулосалар ва берилган таклифлар тарихчилар, социологлар, иқтисодчилар, файласуфлар ҳамда сиёсатчилар учун фойдали бўлиши шунингдек, диссертациянинг илмий-методологик қисмлари жамоат ташкилотлари, маданий марказлар ва давлат хизматчиларига махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси ўртасида ижтимоий-маданий, сиёсий алоқалар ривожланишида икки халққа хос бўлган урф-одатлар, қадриятлар, дунёқарашлар ва ментал хусусиятлардаги умумийлик муҳим ўрин тутаётганлигига оид хулосалардан давлатлараро ҳамкорликнинг

ижтимоий-маданий муносабатлар тизимини такомиллаштиришга доир ҳамда Ўзбекистоннинг Жанубий Корея билан муносабатларида мамлакат тараққиёти йўлидаги ривожланиш омилларига оид материаллар, қиёсий маълумотлар, халқаро тажрибалар таҳлили ва истиқболли имкониятларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 12 декабрдаги 01-09-2298 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар Қўмита ва Корейс Маданият Марказлари Ассоциацияси ўртасидаги кўптомонлама ҳамкорликни бир тизимга солишга ҳамда уни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшган;

мамлакатлараро ижтимоий-маданий соҳадаги иккитомонлама алоқаларни сиёсий нуқтаи назардан суверентетизм тамойиллари асосидаги ҳамкорликнинг 1992-2016 йилларни қамровчи биринчи ҳамда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича “ҳаракатлар стратегияси” доирасидаги ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни амалга ошириш жараёнларини ўз ичига олувчи иккинчи даврларга бўлиб ўрганиш лозимлигига доир фикр-мулоҳазалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази фаолиятини ривожлантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик марказининг 2019 йил 29 ноябрдаги 01-08-198 сонли маълумотномаси). Натижада илмий-методик марказнинг республикамизда фаолият юритаётган маданият марказларига методик қўлланмалар ишлаб чиқиш жараёнида жумладан, Корейс Маданият Марказлари Ассоциацияси билан илмий-методик ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган;

Ўзбекистон ва Жанубий Корея Республикаси ижтимоий-маданий ҳамкорлигига оид статистик материаллар, маълумотлар динамикаси ишлаб чиқилган ва халқаро тажрибалар асосида истиқболда сиёсий алоқаларни ривожлантириш лозимлигига оид хулосалардан Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партияси 2019 йилга мўлжалланган иш режасининг V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар бўлимининг 27- банди: Миллатлараро муносабатларни янада жадаллаштириш мақсадида юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партиясининг 2019 йил 27 декабрдаги 01-855 сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси иш режасида фойдаланиши ҳамда амалиётга жорий этилиши фуқароларнинг миллий ва умумбашарий кадриятларини ривожлантириш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг мафкуравий омилларига партия эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилган.

Давлатлараро ҳамкорликда ижтимоий-маданий муносабатлар тизимини такомиллаштириш айниқса, Жанубий Корея Республикасининг ривожланишига замин яратган фан-таълим соҳасидаги тажрибасидан Ўзбекистон таълим тизими ислохотлари жараёнида фойдаланиш лозимлигига оид ҳамда давлатлараро ҳамкорликда ижтимоий-маданий муносабатлар тизимини такомиллаштиришда айниқса, Ўзбекистон таълим тизими ислохотлари жараёнида фойдаланиш бўйича хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг илмий-методик таҳлиллар бўлими фаолиятида кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2019 йил 12 декабрдаги 01-09-2298 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар кўмита ва Олий таълим вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига катта хисса кўшган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (улардан 3 Республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг тадқиқот қисми 160 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ўзбек-корейс халқлари ўртасида муносабатлар шаклланишининг ижтимоий-сиёсий, тарихий аспектлари**” деб номланиб, ушбу бобда корейсларнинг Ўзбекистон ҳудудига экстрадация қилиниш жараёнлари тарихий фактлар асосида изчиллик билан сиёсий таҳлил қилинди. Бундан ташқари корейс миллати вакилларининг

мамлакатимиз худудига депортация қилиниш давридан то ҳозирги кунгача бўлган вақт мобайнида маҳаллий халқ билан ижтимоийлашув жараёнлари сиёсий жиҳатдан таҳлил этилди. Шунингдек, мустақиллик давридан бошлаб жанубий Корея давлати билан олиб борилган стратегик шерикчилик муносабатлари, алоқалар тарихи, турли соҳалар бўйича манфаатли ҳамкорлик жараёнлари чуқур илмий-сиёсий таҳлил асосида назарий жиҳатлари тадқиқ этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Жанубий Корея 1991 йил 30 декабрда Осиё — Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини тан олган. 1992 йил 29 январда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Шу кундан бошлаб Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ҳар бир соҳада муваффақиятли тарзда ривожланиб келмоқда. Ушбу давр мобайнида Республика раҳбарияти томонидан ўн беш мартаба (1992, 1994, 1995, 1999, 2005, 2006, 2008, 2009, 2010, 2011, 2012, 2014, 2015, 2017 ва 2018-йилларда) Корея Республикаси раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни тарихий дўстлик ришталари боғлаб туради. Қачонлардир тақдир тақозоси билан юртимизга кўчиб келган минглаб корейс оилалари ўзбек халқи билан дўст-биродар бўлиб яшаб, жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланиб, халқимиз билан жипслашиб кетишган. Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс миллатларининг ўхшашлик, умумийлик жиҳатлари бисёр. Бизларни тил жиҳатдан Олтой тиллар оиласи бирлаштириб турган бўлса, ҳудуд жиҳатдан бир қитъа, бир минтақа — Евроосиё ва шарқ умумийлаштириб туради. Тарихий, маданий жиҳатдан ҳам кўплаб уйғунликларни кўришимиз мумкин<sup>4</sup>.

Корейс миллати вакилларининг Ватанимиз худудига кириб келган илк аждодлари тақдири аянчли воқеалар билан боғлиқ эканлиги ҳар томонлама Сталин даври қатағонлик сиёсатининг натижасидир. Собиқ иттифок тоталитар сиёсати оқибатлари маълумки кўплаб кичик миллатлар тақдирида фожиали қисматларни олиб келган. Тажоввуз ва зўравонлик асосида ташкил этилган улкан империянинг таъсири Евроосиё худудида яшовчи миллионлаб халқларнинг пароканда бўлиб, турли уруш ихтилофларига тортилишига сабаб бўлган. Дунё сиёсий саҳнасида катта давлатларнинг дунёни бўлиб олишга, ўз мавқеларини мустаҳкамлашга бўлган уринишлари оқибатида турли миллат ва элатлар ўз юртларидан қувғин бўлинишига, аксарияти қатоғон ва сургун этилишларига мажбур бўлди. Ана шундай миллатлардан бири корейс миллати ҳисобланади. Манбаларга кўра, 1858 йилларда Россия жанубий Амур ерларини Хитойдан олиб қўйгач хитой халқи яшамаган бўш жойларни эгаллаш ва мазкур ерларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш масаласи кун тартибидан ўрин олади. Масаланинг ечими сифатида унга қўшни бўлган ва ер танқислигидан азият чекиб юрган корейс миллатига мансуб деҳқонлар жалб қилинади. Шарқий Сибир генерал-губернаторининг

---

<sup>4</sup> Мусаев О.Р. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини”. Монография. –Тошкент: Истиклол нури. 2016. –Б.46.

ҳисоботида ёзилишига кўра, “Бу корейслар бир йил ичида ғалладан шунчалик кўп ҳосил олишга эришдиларки, уларга бизнинг нафақа беришимизга ҳам ҳожат қолмади. Улардан яна юз оила келиши кутилмоқда. Бу одамлар ниҳоятда меҳнатсеварлиги билан бизни лол қолдиришди.” Бу берилган таъриф ўзининг нақадар тўғри эканлигини исботлаб тургани ҳам аини ҳақиқат<sup>5</sup>.

Корейсларнинг оммавий депортацияси Сталиннинг қонли репрессиялари авжига чиққан 1937 йилдан бошланди. Узоқ Шарқда яшаб келаётган корейсларни СССР халқ комиссарлари кенгашининг 1937 йил 21 августда чиққан қарори билан Марказий Осиё ҳудудларига кўчириш – депортацияси бошланади. 1937 йил Совет Иттифоқи тарихида ер юзининг олтидан бир қисмида истиқомат қилган миллионлаб барча миллат ва элатлар бошига тушган оммавий террор ва қатағон йили сифатида қайд этилди. Шу йил собиқ СССР корейс миллати вакиллари йилномасида энг фожиали воқеа бўлди.

Жанубий Корея билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги маданий алоқалар Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг янги мазмун ва йўналиш касб этди. Чунки, Ўзбекистон мустақил, суверен давлат бўлгач хорижий мамлакатлар билан мустақил алоқалар ўрната бошлади. Жанубий Корея Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида тан олиб, у билан дипломатик алоқа ўрнатиш билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган 180 мингдан ортиқ корейс миллати вакиллари яъни тарихий ватандошлари билан ҳам алоқа ўрнатиш, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш имкониятига эга бўлди<sup>6</sup>.

Ҳар икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар Жанубий Корея ва Ўзбекистон Республикаларини иқтисодий, маданий ва сиёсий жиҳатдан яқинлаштирди, улар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтди, мазмунан бойитди. Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий алоқалар йўналиши, тартиби, қонидаси ва даражаси ҳар икки давлат раҳбарларининг илк давлат даражасидаги учрашувларида (1992 йил 16 июль, 1994 йил 4 июнь, 1995 йил 16 январь, 1999 йил 4-6 октябрь) қабул қилинган расмий ҳужжатларда ўз аксини топди<sup>7</sup>.

Мажбурий кўчириб келтирилган корейс аҳолиси Ўзбекистон халқи билан ёнма-ён туриб, республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатди. 1953 йилда корейс аҳолисининг кўчиб юриши учун қўйилган барча тўсиқлар ва чеклашлар бекор қилиниши улар фаолиятини янада ривожлантирди. Корейслар орасидан таниқли қишлоқ хўжалиги мутахассислари, саноат соҳасида илғор ишчилар, фан ва маданият ходимлари етишиб чиқди. Тахминий ҳисобга қараганда, 1945-1991 йиллар

<sup>5</sup> Ким Герман. История иммиграции корейцев. Вторая половина XIX в. - 1945 г. Книга первая. – Алматы: Дайк-пресс, 1999. –С. 21

<sup>6</sup> Пак Б.Д. Россия империясида корейслар. –Москва: 1993, –С. 117.

<sup>7</sup> Мусаев О.Р. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини”. Монография.. –Тошкент: Истиклол нури. 2016. –Б.33.

давомида Ўзбекистонда 650 нафар илғор ходимларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган, улардан 139 нафари корейс миллатига мансуб шахслар бўлган. Бу Ўзбекистон раҳбарияти, ўзбек ҳақининг бағрикенглиги, миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, барча миллат вакилларига бир хилда ҳурмат ва эҳтиром билан қараганлиги натижасидир<sup>8</sup>.

Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият юритаётгани, истиқлол йилларида уларнинг 300 нафарга яқини давлат мукофотларига сазовор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир. Ўзбек ва корейс халқларининг дунёқараши ва урф-одатлари ўхшаш. Мамлакатларимиз энг қийин даврларда бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Ҳозирги кунда МДХ ҳудудида яшаётган 500 минга яқин корейс миллатининг 180 мингдан кўпроқ қисми Ўзбекистонда истиқомат қилишади. Ушбу корейс диаспораси кўп миллатли жамиятимизнинг ажралмас қисмига айланган. Корейс маданият марказлари ассосацияси ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмалари миллатлараро тотувлик ҳамда мамлакат маданий соҳаси тараққиёти йўлида фаолият юритмоқда. Ассосация юртимизда хорижда корейс тили, маданияти, урф-одат, анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда<sup>9</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти ривожда тутган ўрни**” деб номланади. Мазкур бобда таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустақилликка эришганимиздан то шу кунгача бўлган давр оралиғидаги натижаларнинг илмий таҳлили статистик маълумотлар асосида кенг ёритилди. Бундан ташқари, таълим соҳасида ҳамкорлик икки давлат ривожини йўлидаги барча соҳалар пойдеворининг мустақамланиши ҳамда келажак истиқболларида муҳим ўрин эгаллаши бу эса мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан ривожидида муҳим роль ўйнаши илмий таҳлиллар асосида ёритиб берилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари янгидан ривожланди. Айниқса, илму фан, маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Юртимизда Корейс маданияти марказлари, корейс тилини ўрганиш бўйича ўқув масканлари фаолият кўрсатяпти.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва модернизациялаштириш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, таълим соҳаси ҳам бу жараёнларга тортилди. Бугунги кунда республикада таълим соҳасини ривожлантириш долзарб вазифалар қаторидан ўрин олган. Миллий ва умуминсоний қадриятлар, бой моддий ва маънавий меросимиз, ҳозирги замон илм-фани, иқтисодиёти, техникаси ва технологияси эришган ютуқларга асосланган

---

<sup>8</sup> Ўша манба.

<sup>9</sup> Назаров Н. Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Global books, 2018. –Б.110.

таълим тизимини барпо этиш мақсадида Корея Республикаси билан амалга оширилаётган ҳамкорлик кўлами кенгайиб бормоқда<sup>10</sup>.

Таълим тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик масалалари бўлиб, унинг мақсади Ўзбекистон таълим тизимини жаҳон таълим макони билан интеграциялашуви ҳисобланади. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро битимлар, шартнома ва конвенциялар асосида амалга оширилади. Таълимни ислоҳ қилишда жаҳон стандартларини асос қилиб олган ҳолда унинг давлатни ривожлантиришда тутган ўрнини бу соҳада ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш зарур.

Мамлакатимизда Корея Республикаси таълим тизимини модернизация қилиш тажрибасини қўллаш ижобий натижаларга олиб келиши муқаррар. Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасининг ўзига хос мамлакатларидан бири сифатида қатор тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этиб келмоқда. Бунинг моҳияти шундаки, бу давлат постиндустриал цивилизациянинг ютуқларини ўзлаштирган ҳамда ўзининг анъанавий маданиятини сақлаб қолган ҳолда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданияти, анъанавий кадриятлари ва шарқ дунёқарашлари билан уйғунликда амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. ЮНИСЕФ экспертлари томонидан мазкур мамлакатнинг таълим тизими ўсиш даражасини саноати ривожланган мамлакатлар қаторида энг самарали деб баҳоланган.

**“Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасида ижтимоий-маданий соҳалардаги ҳамкорлик - миллатлараро тотувлик омили сифатида”** деб номланган учинчи бобда икки давлат ўртасидаги ижтимоий-маданий соҳалар ривожига муаммоли вазият ва истиқболли режаларни илмий жиҳатдан изчиллик билан таҳлил қилиш мақсадида аввало, муносабатлар негизида инсон омили ётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ижтимоий алоқалар нафақат ўзбек халқини ижтимоий жиҳатдан ҳаёт тарзини яхшилашга хизмат қилиши, балки давлатлар ўртасидаги бир-бирини ҳар томонлама яқиндан англаши учун муҳим пойдевор ҳисобланиши ҳам турли ижтимоий-маданий жараёнлар орқали уларни илмий асосда таҳлил этиш билан муаммоли вазият очиб берилган. Мазкур бобда иқтисодий соҳадаги алоқалар билан боғлиқ статистик маълумотлар таҳлили, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўринлардан бири бўлган меҳнат миграцияси масаласи ҳам кенгрок очиб берилишига қаратилди. Бундан ташқари, ижтимоий-маданий соҳалар ривожига маҳаллий корейс диаспорасининг Жанубий Корея давлати билан турли соҳалар ривожига алоқаларида муҳим роль ўйнаши, шунингдек, миллий марказларнинг бу жараёндаги фаолиятлари, амалга оширилаётган маданий тадбирлар халқлар ўртасидаги инсонпарварлик, тотувлик, бағрикенглик ғоялари асосида дўстона муносабатларни йўлга қўйишда катта аҳамият касб этиши борасида назарий ва амалий ишлар чуқур илмий таҳлил этилган ҳолда ёритилди.

<sup>10</sup> Назаров Н. Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Global books, 2018. –Б.111.



Ўзбекистонда ҳозирги кунда 140 дан ортиқ маданият марказлари шунингдек, корейс миллий маданий маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда<sup>11</sup>. Корейс миллий маданий марказини ташкил қилиш 1988 йилда юзага келди. 1989 йилда Тошкент шаҳар халқ депутатлари ижроия комитети ташаббуси билан маҳаллий корейсларнинг Тошкент шаҳар конференциясини ўтказиш учун ташаббускор гуруҳ тузилди. 1989 йил сентябрь 1990 йил январь ойлари мобайнида ташаббускор гуруҳ томонидан Тошкент шаҳар корейсларининг конференциясини чақириш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилди. Тошкент шаҳрининг барча туманларида конференциялар ўтказилиб, шаҳар конференциясига делегатлар сайланди. Шу билан бир қаторда туман миллий маданий марказлари ҳам ташкил қилинди<sup>12</sup>.

Корейс миллий маданий марказнинг асосий вазифалари:

- Корейсларни муаммосини ўрганиш ва ҳал қилиш;
- ҳокимиятга ёрдам бериш;
- Миллий маданият ва она тилини қайта тиклаш ва ривожлантириш мақсадида Корейс аҳолиси ўртасида маданий, маърифий ишлар олиб бориш;
- Ёш авлодни, ғоявий, мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш ва бошқа масалалар<sup>13</sup>.

Корейслар билан охириги бир бўлак нонини бўлишган ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги, уларнинг янги Ватанга тезда мослашиб кетишларига кўмак бўлди. 1937 йилда юртимизга кўчиб ўтган вақтдан бошлаб, корейслар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий ривожига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ўтган давр мобайнида улар миллий ўзига хосликларини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон халқининг ажралмас бир қисмига айланди. Корейс диаспорасининг 283 вакили юқори даражадаги давлат мукофотлари ва унвонлари билан тақдирланган, шу жумладан, Хива шаҳридаги “Меҳрибонлик” уйининг директори Пак Вера Борисовна Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак мукофатга сазовор бўлиши меҳнатсевар миллат вакилларига нисбатан бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири инсон ресурсларини ривожлантириш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишдир. Бугунги кунга келиб, Корея ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан имзоланган ишчи мигрантларни бандликка кўмаклашиш тизими орқали Кореяга жўнатиш борасидаги Англашув Меморандумини амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Меҳнат миграцияси борасидаги ҳамкорликнинг асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Корея меҳнат вазирлиги ўртасидаги “Ўзаро англашув меморандуми” асос бўлиб

<sup>11</sup> Ягона оилада. 2012 йил 1,2-сон, -Б.6.

<sup>12</sup> Назаров Н. Марказий Осиёда миллатлараро муносабатлар. –Тошкент: Global books. 2018 . –Б.110.

<sup>13</sup> Ўша манба.

<sup>14</sup> <https://koryo-saram.ru/han-v-s-istoriya-korei/>

хизмат қилади. Мазкур меморандумга кўра, 1995-2019 йиллар оралиғида Корея Республикасидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 52 мингдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари EPS (Employment Permission System) тизими бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқдалар.<sup>15</sup>

Мазкур Меморандум самарали амалга оширилиши натижасида 2007 йилдан то 2019 йил ярмига қадар Ўзбекистон Республикасининг 27 мингдан зиёд фуқароси Корея Республикасида меҳнат фаолиятини амалга оширди. Айни пайтда, Кореяда 17 мингдан зиёд фуқароларимиз меҳнат қилмоқда. Яна шуни таъкидлаш зарурки, фуқароларимиз Кореядаги замонавий корхоналарда меҳнат қилиш мобайнида катта тажриба ва кўникмаларга, сармоя ва технологияларга эга бўлиб, ватанга қайтганларидан сўнг, улар ўз сармоя ва билимларини, салоҳият ва тажрибаларини юртимиздаги корхоналарда ишлашга ёки ўз тадбиркорлик ишларини ташкил этишга сарфлаб, янги иш ўринлари яратадилар.

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, ҳозирда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 19 миллионга яқин бўлса, банд аҳоли сони 13 миллиондан зиёд. Уларнинг 5 миллиондан кўпроғи расмий секторда, 8 миллионга яқини норасмий секторда банд. Хорижда ишлаётганлар сони эса 2 миллион 300 мингдан зиёдни ташкил этади.<sup>16</sup>

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги ўртасида имзоланган Меморандумга асосан Ўзбекистон фуқаролари Кореяда 2007 йилдан буён “Эркин ёллаш тизими” орқали ишга жойлаштириб келинади. Корея ҳукумати ҳар йили хорижий ишчи кучини жалб этиш учун давлатлар кесимида квоталарни белгилайди. Шунга мувофиқ, Корея Республикаси Бандлик ва меҳнат вазирлиги 2018 йилда амалга оширилган ишлар натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини юксак баҳолаб, икки томонлама самарали ҳамкорлик сифатида 2019 йил учун мўлжалланган квоталар сони 3200 тага етди (2018 йилда квоталар сони 3100 та эди)<sup>17</sup>.

Ўтган йиллар давомида ушбу тизим орқали 31628 нафар юртдошимиз иш билан таъминланган. Бундан асосий мақсад Корея Республикасида вақтинчалик меҳнат фаолиятини юритаётган фуқароларимиз Ўзбекистонга қайтиб келгач, уларнинг хорижда эгаллаган билим ва кўникмаларини Ўзбекистон амалиётига тадбиқ этишдан иборатдир. Ҳозирги вақтда “Эркин ёллаш тизими” орқали Корея Республикаси 16 давлатдан ишчи кучини жалб қилади. Корея Республикасида ишга жойлаштирилган Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш муддати 4 йилу 10 ойгача бўлган муддатни ташкил этади. 2019 йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларини

<sup>15</sup>Очёт справки/04.07.2019/N=02/00-02/11-3263.

<sup>16</sup><http://uza.uz/uz/documents/aholi-bandligini-ta-minlash-borasidagi-ishlarni-takomillasht-16-07-2018>.

<sup>17</sup> Очёт справки/04.07.2019/N=02/00-02/11-3263.

